

ГИДРОМЕТЕОРОЛОГИЯ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27/30.12.2019.Gr.47.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ГИДРОМЕТЕОРОЛОГИЯ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

МАХМУДОВ ЖАХОНГИР КОМИЛОВИЧ

ҚОР КЎЧКИЛАРИ ХАВФИ МОНИТОРИНГИДА
ГЕОАХБОРОТ ТИЗИМЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ
(ОҲАНГАРОН ДАРЁСИ ХАВЗАСИ МИСОЛИДА)

11.00.03 – Қуруқлик гидрологияси. Сув ресурслари. Гидрокимё

ГЕОГРАФИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2025

**География фанлари бўйича фалсафа (PhD) доктори диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по географическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on geographical sciences**

Махмудов Жахонгир Комилович

Қор кўчкилари хавфи мониторингида геоахборот тизимларидан фойдаланиш
(Оҳангарон дарёси ҳавзаси мисолида).....3

Махмудов Жахонгир Комилович

Использование геоинформационных систем при мониторинге снеголавинной
опасности (на примере бассейна реки Ахангаран).....21

Maxmudov Jaxongir

Use of Geographic Information Systems in snow avalanche hazard monitoring
(case study of the Akhangaran river basin)39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published orks.....43

**ГИДРОМЕТЕОРОЛОГИЯ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27/30.12.2019.Gr.47.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ГИДРОМЕТЕОРОЛОГИЯ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

МАХМУДОВ ЖАХОНГИР КОМИЛОВИЧ

**ҚОР КЎЧКИЛАРИ ХАВФИ МОНИТОРИНГИДА
ГЕОАХБОРОТ ТИЗИМЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ
(ОҲАНГАРОН ДАРЁСИ ХАВЗАСИ МИСОЛИДА)**

11.00.03 – Қуруқлик гидрологияси. Сув ресурслари. Гидрокимё

**ГЕОГРАФИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2025

География фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирларлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2022.1.PhD/Gr184 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Гидрометеорология илмий-тадқиқот институтида бажарилган.
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-сайтида (www.nigmi.uz) ва “Ziyonet” Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Нишонов Бахриддин Эркинович**
техника фанлари номзоди, катта илмий ходим

Расмий оппонентлар: **Ҳикматов Фазлиддин Ҳикматович**
география фанлари доктори, профессор

Салимова Барно Жамоловна
техника фанлари номзоди, профессор

Етакчи ташкилот: **Самарқанд давлат университети**

Диссертация ҳимояси Гидрометеорология илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги Илмий даражалар берувчи DSc.27/30.12.2019.Gr.47.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2025 йил « 21 » ноябр соат 14.00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100052, Тошкент ш., Бодомзор йўли 1-тор кўчаси, 72. Тел.: +998 71 2358512, факс: +998 71 2371319, e-mail: info@nigmi.uz).

Диссертация билан Гидрометеорология илмий-тадқиқот институтининг Илмий-техника кутубхонасида танишиш мумкин (№233 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100052, Тошкент ш., Бодомзор йўли 1-тор кўчаси, 72. Тел.: +998 71 2358512, факс: +998 71 2371319.

Диссертация автореферати 2025 йил « 8 » ноябр куни тарқатилди.
(2025 йил « ___ » _____ даги рақамли реестр баённомаси).



Б.М.Холматжанов
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш раиси, г.ф.д.

Э.Ю.Сафаров
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш илмий котиби в.в.б., т.ф.д.

Д.М.Тургунов
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш қошидаги
илмий семинар раиси, г.ф.д.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Глобал иқлим ўзгариши таъсирида Ер шарининг баланд тоғ ёнбағирларида асосий табиий хавфлардан бири ҳисобланган қор кўчкиларининг содир бўлиши йилдан-йилга ортиб бормоқда. Бу борада БМТнинг Табиий офатлар хавфини камайтиришга қаратилган маърузасида «Табиий офатлар билан боғлиқ хавфларни прогноз қилишни яхшилаш, ташкилотга аъзо мамлакатлар учун гидрометеорологик хавф-хатарлар ҳақида эрта огоҳлантириш бўйича ягона платформа тизимини яратиш»¹ зарурлиги таъкидланади. Ушбу ҳолат тоғли ҳудудларда содир бўладиган қор кўчкиларини мониторинг қилиш ва уларни прогнозлаш усулларини такомиллаштиришни тақазо этади.

Жаҳонда мазкур йўналишдаги, жумладан, тоғ ёнбағирларида ҳосил бўладиган қор копланининг майдони, қалинлиги ва давомийлигини таҳлил қилиш, қор кўчкилари хавфи мавжуд бўлган ҳудудларни геоморфологик карталарини яратиш, қор кўчкилари ҳосил бўлиш шароитларини ўрганиш ва прогнозлаш масалаларига қаратилган тадқиқотлар олиб борилмоқда. Шунингдек, иқлим ўзгариши натижасида тоғли ўлкаларда кузатиладиган қор кўчки ўчоқларини аниқлашда замонавий ГАТ технологиялардан фойдаланиш, шу асосда қор кўчкилари мониторингини олиб бориш ва улар билан боғлиқ хавфларни прогнозлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Республикаимизда тоғли ҳудудлардаги транспорт йўллари ва аҳоли турар жойларида қор кўчки хавфини камайтириш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда ва бу борада муайян ижобий натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги ПФ-158-сон Фармони билан тасдиқланган «Ўзбекистон–2030» стратегиясида² “иқлим ўзгариши салбий таъсирини олдини олиш, хавфли гидрометеорологик ҳодисалар тўғрисида барвақт огоҳлантириш” бўйича муҳим вазифалар белгиланган. Бу борада стратегик аҳамиятга эга бўлган Тошкент-Оҳангарон-Ангрен-Кўкон-Шаҳрихон-Андижон автомагистрали ва Ангрен-Поп темир йўлининг Қамчиқ довонидан ўтган қисми учун қор кўчкиси билан боғлиқ хавфларни баҳолаш, шунингдек, қор кўчки ўчоқларини аниқлаш ва уларнинг рақамли (ГАТ) карталарини яратиш муҳим илмий ва амалий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги “Ўзбекистон-2030 стратегияси тўғрисида”ги ПФ-158-сон Фармони, 2020 йил 17 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикаси гидрометеорология хизмати фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–4896-сон, 2022 йил 18 ноябрдаги “Аҳолини ва ҳудудларни хавфли гидрометеорологик ҳодисалар ҳамда геологик жараёнлар билан

¹ The global 'Early Warnings for All' program <https://www.un.org/en/climatechange/early-warnings-for-all>

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги “Ўзбекистон – 2030 стратегияси тўғрисида”ги ПФ-158-сон Фармони. [https:// www.lex.uz](https://www.lex.uz).

боғлиқ фавқулдда вазиятлардан муҳофаза қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-426-сон Қарорлари ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Қор кўчкилари билан боғлиқ хавфларни олдиндан баҳолаш, қор кўчкиларининг морфометрик кўрсаткичларини аниқлаш ва кўп йиллик режимини таққослаш масалалари бўйича кўплаб хорижий олимлар, жумладан, J.Schweizer, B.Jamieson, P.Bartelt, D.Germain, Y.Buhler, M.Fazzini, F.Techel, J.Benjamin, Ch.Bahram ва бошқалар томонидан тадқиқотлар олиб борилган.

Собиқ Иттифоқ ва МДХ мамлакатларида Г.К.Тушинский, Ю.Д.Москалев, К.С.Лосев, Е.С.Трошкина, С.М.Мягков каби олимларнинг тадқиқотлари қор кўчкилар географияси, қор кўчкиларнинг пайдо бўлиши, қор кўчки режимини ва унинг морфометрик кўрсаткичларини метеорологик омиллар таъсирида ўзгаришларини ўрганишга ва бу жараёнларнинг салбий оқибатларини олдиндан баҳолаш масалаларига бағишланган.

Ўзбекистонда қор кўчкиларига оид тадқиқотлар Л.А.Канаев, Г.Н.Старыгин, Е.Г.Какурина Ф.И.Перцигер, Б.К.Царев каби олимлар томонидан олиб борилган. Ушбу тадқиқотларда Ўрта Осиё, хусусан республикада қор кўчкилар хавфи мавжуд ҳудудларнинг хавфлилик даражалари ўрганилган ва уларнинг келиб чиқиш сабаблари ёритилган. Ҳозирда Ўзбекистон тоғли ҳудудларида кузатиладиган қор кўчкиларини замонавий радиолокацион космик тасвирлар ёрдамида ўрганиш бўйича Э.Р.Семакова ва В.Н.Шамсутдинов каби тадқиқотчилар шуғулланишмоқда.

Мазкур диссертация иши Оҳангарон дарёси ҳавзасида қор кўчки содир бўладиган ҳудудлар учун геоахборот тизимларини қўллаш ва унинг ёрдамида қор кўчки марказларининг морфометрик кўрсаткичлари карталарини ишлаб чиқиш ҳамда гидрометеорологик ўзгарувчилар асосида қор кўчки ҳажмини прогноз қилиш масалаларига бағишланганлиги билан юқоридаги ишлардан фарқ қилади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Гидрометеорология илмий-тадқиқот институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг ИЛ-5721122065 “Сув ва қишлоқ хўжалигида мослашиш салоҳиятини ошириш учун Ўзбекистонда иқлим ўзгаришининг сув ресурсларига таъсирини баҳолаш технологиясини ишлаб чиқиш” (2022-2025 йй.) мавзусидаги амалий лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Оҳангарон дарёси ҳавзасида қор кўчкилари мониторингида ГАТ технологияларини қўллаш ва ҳавзада қор кўчки режими элементларининг кўп йиллик ўзгаришларини баҳолашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Оҳангарон дарёси ҳавзаси табиий географик ва гидрометеорологик шароитларини қор кўчкилар содир бўлиши нуқтаи назардан тадқиқ этиш;

Оҳангарон дарёси ҳавзасида қор кўчки ўчоқлари ва унга таъсир этувчи табиий омилларнинг ГАТ маълумотлар базасини яратиш;

Оҳангарон дарёси ҳавзасида қор кўчиш хавфи мавжуд ҳудудлар морфометрик кўрсаткичларини тавсифловчи рақамли хариталарни яратиш;

Оҳангарон дарёси ҳавзасида қор кўчки режимининг кўп йиллик ўзгариш хусусиятларини миқдорий баҳолаш;

масофадан зондлаш маълумотлари ва ГАТ асосида Оҳангарон дарёси ҳавзасида қор қоплами майдони ва баландлигининг ўзгаришларини ўрганиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Оҳангарон ҳавзасининг қор кўчкилари кузатиладиган баланд тоғли ҳудудлари олинган.

Тадқиқотнинг предметини Оҳангарон дарёси ҳавзасида қор кўчиши хусусиятларини аниқлаш ва қор кўчкилари хавфи мониторингини ГАТ технологияларидан фойдаланган ҳолда такомиллаштириш масалалари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда гидрометеорологик ҳисоблашлар ва баҳолашлар, умумлаштириш, статистик баҳолаш, регрессион таҳлил, математик моделлаштириш, картографик тадқиқот ва ГАТ усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

Оҳангарон дарёси ҳавзасида содир бўладиган қор кўчки кўрсаткичлари ва уларнинг шаклланишига таъсир этувчи метеорологик омиллар орасидаги боғланишлар статистик баҳоланган, уларнинг регрессия тенгламалари тузилган;

ҳавзада қор кўчкиларнинг кўп йиллик режими элементлари (қор кўчкилар сони, қор кўчки ҳажми, қор кўчки мавсумининг давомийлиги, қор кўчкиларининг такрорланувчанлиги) миқдорий баҳоланган;

Оҳангарон дарёси ҳавзаси тоғли ҳудудларида қор қоплами қалинлигининг кўп йиллик ўзгаришлари масофадан зондлаш ва ГАТ технологиялари асосида аниқланган;

ҳавзанинг хавфли қор кўчки мавжуд ҳудудларининг морфометрик рақамли хариталари ГАТ технологиялари асосида яратилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари куйидагилардан иборат:

Оҳангарон дарёси ҳавзаси қор кўчки режими ва метеорологик кўрсаткичларининг электрон маълумотлар базаси яратилган;

Оҳангарон дарёси ҳавзасида қор кўчкисига сабаб бўлувчи метеорологик кўрсаткичлар (ҳаво ҳарорати, қор қалинлиги, шамол тезлиги, ёғинлар миқдори)нинг кўп йиллик ўзгаришлари аниқланган;

Оҳангарон дарёси ҳавзасида 2001-2024 йиллар учун қор қоплами майдони ва қалинлиги MODSNOW дастури ёрдамида аниқланган;

Оҳангарон дарёси ҳавзасида қор кўчки хавфи мавжуд ҳудудлар ГАТ харитаси яратилган;

Оҳангарон дарёси ҳавзасида қор кўчкиларни метеорологик кўрсаткичлар (қор қоплами қалинлиги, шамол тезлиги, атмосфера ёғинлари, ҳаво ҳарорати) асосида прогнозлаш усули такомиллаштирилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги диссертация ишини бажаришда Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳузуридаги Гидрометеорология хизмати агентлиги (Ўзгидромет) тизимида ягона усулларда амалга оширилган гидрометеорологик ва қор қоплами қалинлиги маълумотларидан фойдаланилганлиги, уларни қайта ишлашда умумқабул тадқиқот усуллари, жумладан, математик статистика усуллари қўлланилганлиги, шунингдек, олинган натижаларнинг мазкур тадқиқот йўналишидаги бошқа муаллифларнинг натижалари билан мослиги ва амалиётга жорий қилинганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти унда эришилган натижалар ва олинган асосий илмий хулосалардан, хусусан, тоғли ҳудудларда қор кўчки режими ва унга таъсир этувчи метеорологик омилларни баҳолашга ёндашувлардан қор кўчки хавфи юқори ҳудудларда қор кўчки мониторингида фойдаланиш имконияти билан изоҳланади.

Диссертация тадқиқоти натижаларининг амалий аҳамияти, тадқиқот жараёнида олинган асосий хулосалар ва натижалардан Ўзбекистон ҳудудидаги тоғларда содир бўладиган қор кўчкиларини уларнинг келиб чиқишига таъсир кўрсатадиган гидрометеорологик омиллар асосида прогнозлашга, шунингдек, қор кўчки хавфини камайтиришга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва уларни тизимли амалга оширишга хизмат қилиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.

Оҳангарон дарёси ҳавзасида қор кўчкилари хавфини баҳолашда геоахборот тизимлари (ГАТ) ёрдамида олинган илмий натижалар асосида:

Оҳангарон дарёси ҳавзасида метеорологик кўрсаткичларнинг қор кўчкилари содир бўлишига таъсири ва улар орасидаги статистик боғланишларни баҳолаш натижаларидан Гидрометеорология хизмати агентлигида ҳавзада қор кўчкиларни содир бўлишини аниқлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳузуридаги Гидрометеорология хизмати агентлигининг 2025 йил 29 апрелдаги 01-15/628–сон маълумотномаси). Натижада, Оҳангарон дарёси ҳавзасидаги қор кўчкилар содир бўлишини метеорологик кузатишлар асосида прогнозлаш имконияти яратилган;

Оҳангарон дарёси ҳавзасида қор кўчкиларининг кўп йиллик режими (қор кўчкилар сони, қор кўчки ҳажми, қор кўчки мавсумининг давомийлиги,

қор кўчкларининг такрорланувчанлиги) ҳақидаги маълумотлар Фавқулудда вазиятлар вазирлигида Дуқантсой, Қамчиксой, Новгарзансой ва Қизилча дарёлари ҳавзаларидаги қор кўчклар режимини аниқлашда қўлланилган (Ўзбекистон Республикаси Фавқулудда вазиятлар вазирлигининг 2025 йил 23 июндаги 3/4/30-1737-сон маълумотномаси). Натижада, Оҳангарон дарёси ҳавзасида содир бўлган қор кўчкларининг ҳақидаги маълумотларга аниқлик киритилган;

Оҳангарон дарёси ҳавзасининг тоғли ҳудудларида шаклланган қор қоплами қалинлигининг ўзгаришларини масофадан зондлаш ва ГАТ технологиялари асосида баҳолаш усулидан Гидрометеорология хизмати агентлигида бутун ҳавза майдонида қор қоплами динамикасини аниқлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳузуридаги Гидрометеорология хизмати агентлигининг 2025 йил 29 апрелдаги 01-15/628–сон маълумотномаси). Натижада, Оҳангарон дарёси ҳавзасида ер усти кузатувлари олиб борилмайдиган ҳудудлардаги қор қоплами майдони ва қалинлигини масофадан аниқлаш имконияти яратилган;

Оҳангарон дарёси ҳавзасидаги хавфли қор кўчки ҳудудлари морфометрик кўрсаткичларининг ГАТ технологиялари асосида яратилган рақамли хариталаридан Фавқулудда вазиятлар вазирлигида қор кўчки ўчоқларини аниқлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фавқулудда вазиятлар вазирлигининг 2025 йил 23 июндаги 3/4/30-1737-сон маълумотномаси). Натижада, Қамчиксой ва Қуиндисой дарёлари ҳавзаларидаги қор кўчки хавфли ҳудудларни аниқлашга имкон берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқотнинг асосий натижалари 7 та халқаро миқёсдаги илмий-амалий конференцияларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 13 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 5 таси республика журналларида ва 1 таси хорижий журналда нашр қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида бажарилган тадқиқот мавзуининг долзарблиги ва зарурати асосланган, мавзунинг республикада фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилиб, унинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги қайд этилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси баҳоланган, ишнинг мақсади ва вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, уларнинг амалиётда жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг таркибий тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертация ишининг **биринчи боби “Қор кўчкилари содир бўлишининг табиий географик ва гидрометеорологик шароитлари”** деб номланади. Диссертациянинг ушбу бобида, қор кўчкилари содир бўлишининг географик ва гидрометеорологик омиллари, уларнинг пайдо бўлишига жойнинг рельефи ва морфометрик кўрсаткичларининг таъсири ўрганилган. Шунингдек, Европа, Осиё ва Ўзбекистонда қор кўчкилари мониторинги ва уларнинг ўрганилиш тарихи кўриб чиқилган.

Ўзбекистонда қор кўчки тадқиқотлари ХХ асрнинг 60-йилларидан бошлаб ривожланган. Мамлакатимиз тоғли ҳудудларидаги қор кўчки ҳодисалари К.Б.Биялов, Н.П.Чертанов, С.П.Чертанов, А.И.Королев, Ю.Д.Москалев, С.М.Козик, Г.Г.Харитонов, Л.Э.Языкова, Ф.И.Перцигер, Б.К.Царёв, Г.Н.Старыгин ва бошқалар томонидан ўрганилган. Бунда, айниқса, Тошкент вилояти Бўстонлик тумани тоғли ҳудудларидаги қор кўчки жараёнлари кенг тадқиқ қилинган. Шунингдек, Л.А.Канаев раҳбарлигида Ўзбекистон ҳудудида қор кўчкилари билан боғлиқ хавфларни ўрганиш бўйича тадқиқотлар олиб борилган.

Қор кўчкиларининг ўзига хос асосий хусусияти – уларнинг тўсатдан содир бўлиши, фавқулодда ҳолатларга, бино ва иншоотларнинг вайрон бўлишига, шунингдек, инсонларнинг қурбон бўлишига олиб келишидир. Шу жиҳатдан, қор кўчки хавфи мавжуд бўлган ҳудудларни аниқлаш ва қор кўчишини олдиндан прогноз қилиш масалалари кўчки келтирадиган зарарларни камайтиришда муҳим аҳамиятга эга.



Ўзбекистоннинг барча тоғлари, айниқса Ғарбий Тяншан ва Ҳисор тоғ тизмаларининг жанубий-ғарбий ёнбағирлари қор кўчки хавфи мавжуд ҳудудлар ҳисобланади. Маълумки, қор кўчкиларининг содир бўлишида ҳудудларни денгиз сатҳидан баландлиги, ёнбағирлар экспозицияси ва қиялиги, ер юзаси тузилиши, тупроқ қатлами, ўсимлик қоплами каби омиллар таъсир кўрсатади. Шунингдек, ҳаво ҳарорати, ёғин миқдори, шамол тезлиги каби омиллар ҳамда қорнинг тузилиши, зичлиги каби кўрсаткичлар ҳам қор кўчкилари пайдо бўлишида муҳим омиллардан ҳисобланади.

Диссертациянинг **“Оҳангарон дарёси ҳавзасининг қор кўчкилари содир бўлиши жиҳатидан тавсифи”** деб номланган **иккинчи бобида** Оҳангарон дарёси ҳавзасининг табиий географик шароити, метеорологик кўрсаткичлари қор кўчкилар содир бўлиши жиҳатидан кўриб чиқилган.



Оҳангарон дарёси ҳавзасининг табиий географик шароити Л.Н.Бабушкин, П.Х.Баратов, М.М.Маматқулов, А.А.Рафиқов, Г.Е.Глазырин, Б.А.Камолов, В.Е.Чуб, В.Л.Шульц, Ф.Ҳ.Ҳикматов ва бошқалар томонидан ўрганилган. Диссертация ишида тадқиқот объекти сифатида танлаб олинган Оҳангарон дарёси ҳавзаси шимоли-шарқдан жануби-ғарбга томон чўзилган Чотқол ва Қурама тоғ тизмалари оралиғида жойлашган. Оҳангарон дарёси ҳавзасининг умумий майдони 7710 км² ни ташкил этади, 40-41° шимолий кенглик ва 69-71° шарқий узунликлар оралиғида жойлашган. Диссертация ишида қор кўчкилари содир бўлиши учун муҳим бўлган Оҳангарон дарёси ҳавзасининг геологик тузилиши ва ўсимлик қоплами ҳам кўриб чиқилган. Оҳангарон дарёси ҳавзасида қор кўчкилар содир бўлишига метеорологик кўрсаткичлар – ҳаво ҳарорати, атмосфера ёғинлари ва шамол бевосита таъсир кўрсатади. Шунга кўра, тадқиқот ишида ҳавзанинг қор кўчишига мойил ҳудудларида жойлашган Ангрен, Дукант метеостанциялари ва Қамчиқ қор кўчки станциясининг кўп йиллик маълумотлари бўйича метеорологик кўрсаткичлар таҳлил қилинди.

Оҳангарон дарёси ҳавзасининг тоғли ҳудудида жойлашган метеостанцияларда кузатилган сўнгги ўттиз йилдаги (1991-2020 йй.) ўртача ойлик, йиллик ва фасллар бўйича ўртача ҳаво ҳароратларининг ўзгаришининг таҳлили ушбу ҳароратларнинг сезиларли ўзгаришларини кўрсатди. Энг совуқ январда ўртача ойлик ҳаво ҳарорати Ангрен метеостанциясида +1,12°С, Дукант метеостанциясида -2,7°С, Қамчиқ қор кўчки станциясида -5,4°С ни ташкил этган. Энг иссиқ ҳарорат ёз фаслининг ўртаси бўлган июль ойида кузатилган бўлиб, энг юқори ўртача ойлик ҳаво ҳарорат Ангренда +25,9°С, Дукантда +20,0°С ва Қамчиқ қор кўчки станциясида +17,8°С қайд этилган (1^а-расм). Оҳангарон дарёси ҳавзасининг тоғли ҳудудларида қор кўчки мавсуми (ноябрь, декабрь, январь, февраль, март) ойларида сўнгги ўттиз йилликда (1991-2020 йй.) ўртача ойлик ҳаво ҳароратларининг кўтарилаётганлиги, шунингдек, ўртача йиллик ҳаво ҳарорати Ангренда +0,8 °С, Дукантда ва Қамчиқ довоида +1°С га кўтарилганлиги аниқланди (1^б-расм).

Оҳангарон дарёси ҳавзасининг тоғли ҳудудларида ёққан ёғин миқдорларининг ўзгаришлари таҳлиliga кўра, Ангрен, Қамчиқ ва Дукант станцияларида 1991–2020 йиллар давомида ҳам йиллик, ҳам қор кўчки мавсумидаги ёғин миқдорида умумий камайиш тенденцияси кузатилмоқда. Хусусан, йиллик ўртача ёғин миқдорининг ҳар йили Ангренда 1,7 мм га, Дукантда 1,6 мм га, Қамчиқда 1,7 мм га камайиши кузатилган (2-расм). Ҳавзадаги бундай иқлимий ўзгаришлар ёғингарчилик режимининг ўзгаришига ва қор кўчкилари хавфининг ортишига олиб келиши мумкин. Ёғин миқдорининг ўзгариши маълумотлари келгусидаги қор кўчки хавфи таҳлили ва прогнозлаш учун муҳим ҳисобланади.




1-расм. Оҳангарон дарёси ҳавзаси тоғли ҳудудларида кузатилган ўртача ойлик (а) ва ўртача йиллик (б) ҳаво ҳароратларининг ўзгаришлари (1991-2020 йй.)



2-расм. Оҳангарон дарёси ҳавзасида (а) йиллик ва (б) қор кўчки мавсуми (ноябрь-апрель)да ёғинлар миқдорининг кўп йиллик ўзгаришлари (1991-2020 йй.)


Қор кўчкларининг содир бўлишига қор қоплами шаклланган ёнбағирларнинг қиялиги катта таъсир кўрсатади, яъни қиялик қанча тик бўлса, қор кўчкиси ҳосил бўлиши эҳтимоли шунча катта бўлади. Қамчиқсой ҳавзасида содир бўлган қор кўчклари сонининг тоғ ёнбағрининг ўртача қиялигига боғлиқлиги таҳлилига кўра, 25° - 35° қияликлар оралиғида қор кўчклари кўп содир бўлган ($R = 0,88$) (3-расм).



3-расм. Қамчиқсой ҳавзасида қор кўчклари сонининг ёнбағирлар қияликларига боғлиқлиги

Шунингдек, ушбу бобда Оҳангарон дарёси ҳавзасидаги қор кўчки ҳавфи юқори бўлган Дуқантсой, Қизилчасой, Қамчиқсой, Новгарзонсой дарёлари ҳавзаларининг географик ва метеорологик шароитлари тавсифи келтирилган.


Диссертациянинг **3-боби «Оҳангарон дарёси ҳавзасида қор кўчкилар режимининг ўзгаришлари»** деб номланади. Ушбу бобда, дастлаб, Оҳангарон дарёси ҳавзаси Қамчиқ довонида содир бўлган қор кўчкилар режими ва уларнинг хусусиятлари таҳлил қилинган. Таҳлилларга кўра, Қамчиқ довонида 1991-2021 йиллар оралиғида қор кўчки мавсумининг энг узун давомийлиги 2018-2019 йилги қиш мавсумида 120 кун, энг қисқа давомийлиги 2017-2018 йилги мавсумда 1 кунни ташкил этган. Қор кўчки мавсумининг энг эрта бошланиши 21 ноябрга (1999 й.), энг кеч бошланиши 2 февралга (1993 й.) тўғри келган. Қор кўчки мавсумининг энг эрта тугаши 26 декабрда (2015 й.), энг кечи эса 9 апрелда (2007 й.) кузатилган (4-расм).



4-расм. Қамчиқ довонида қор кўчкилари давомийлик кунларининг йилларо ўзгариши (1991-2021 йй.).

Диссертация ишида Оҳангарон дарёси ҳавзасида қор кўчки кўрсаткичлари (қор қоқламининг қалинлиги, унинг пайдо бўлиш муддати, қаттиқ ёғинлар миқдори, кучли қор ёғиши ва эриши бўлган кунлар сони) ва иқлимий кўрсаткичлар (ҳаво ҳарорати, ёғинлар) орасидаги боғлиқликлар статистик таҳлил қилинган. Қамчиқ метеостанциясида 1991-2021 йилларда максимал қор қалинлиги ва йиллик ёғинлар миқдори ва ноябрь-март ойларидаги ёғинлар миқдори орасидаги боғланишлар коэффициенти, мос равишда $R=0,53$ ва $R=0,61$ га тенглиги аниқланган. Шу даврда Қамчиқ довонида максимал қор қалинлиги билан содир бўлган қор

кўчкилари сони ва уларнинг ҳажми орасидаги боғлиқлик, мос равишда, $R=0,71$ ва $R=0,76$ га тенг бўлган (5-расм).



5-расм. Оҳангарон дарёси ҳавзасида қор кўчкилари сони ва ҳажмининг қор қоплами қалинлигига боғлиқлиги

Қор кўчки фаоллигига таъсир қилувчи асосий кўрсаткичларга қор қопламининг максимал қалинлиги (h , м), қор билан қопланган кунлар сони (n), қор кўчки сони (N), қор кўчкининг давомийлиги (L), қор кўчки ҳажми (V , м³) кабилар киради. Тадқиқот ишида ушбу кўрсаткичлар ва метеорологик кўрсаткичлар орасидаги статистик боғланишлар кўп йиллик (1991-2021 йй.) маълумотлар асосида баҳоланган. Қор қопламининг максимал қалинлиги (h , м) билан январь ойида кузатилган ўртача ҳаво ҳарорати (T_1) ва ноябрдан мартгача кузатилган ёғин миқдори орасидаги статистик боғлиқлик юқори ($R=0,69$) эканлиги аниқланди. Қор кўчки сони билан T_1 ва h орасидаги боғлиқлик янада юқори ($R=0,73$) бўлди. Қуйида қор кўчки кўрсаткичларини иқлимий омилларга боғлиқлиги келтирилган (1-жадвал).

1-жадвал


Оҳангарон дарёси ҳавзасида қор кўчки кўрсаткичларининг иқлимий омилларга боғлиқлиги (1991-2021 йй.)

Қор кўчки кўрсаткичлари	Қамчиқ ҚКС Н=2145 м, Р=30		R
h	T (I)	ΣP_x (XI-III)	0,69
n	ΣT (XI, I, IV)	ΣP_x (XI-III)	0,49
N	ΣT (XI-III)	ΣP_x (XI-III)	0,52
N	T (I)	h	0,73
L	ΣT (XI, I, IV)	ΣP_x (XI-III)	0,28
V	T (I)	ΣP_x (XI-III)	0,52
V	T (I)	h	0,71

Диссертациянинг «Оҳангарон дарёси ҳавзасида қор кўчки хавфи мониторингида ГАТ технологияларини қўллаш» деб номланган 4-бобида қор кўчкилари мониторингида ГАТ технологияларидан фойдаланиш, Оҳангарон дарёси ҳавзасининг қор қоплами майдони ва қор

қоплами қалинлигини мониторинг қилиш ҳамда иқлимий ва қор маълумотлари асосида қор кўчкисини прогнозлаш масалалари кўриб чиқилган.

Тадқиқотда ArcGIS дастури ёрдамида Оҳангарон дарёси ҳавзасининг қор кўчки хавфи мавжуд тоғли қисми картаси яратилди. Картада тадқиқот ҳудуди турли баландликлари ва станциялар жойлашуви кўрсатилган (6-расм).




6-расм. Оҳангарон дарёси ҳавзасининг тадқиқот учун танланган қисми

Шунингдек, диссертация ишида Оҳангарон дарёси ҳавзасида қор кўчки хавфи мавжуд ҳудудлар ва қор кўчки ўчоқларининг геоморфологик (баландлик, қиялик, изочизик, экспозиция) карталари шакллантирилди. Тадқиқотга кўра, Оҳангарон дарёси ҳавзасининг энг баланд нуқтаси денгиз сатҳига нисбатан 4074 метр, ўртача баландлиги 2200 метр, энг қуйи қисми 550 метрни ташкил этади. Тоғ ёнбағирларининг ўртача қиялиги 26° - 38° . Алоҳида геоморфологик карталар Оҳангарон дарёси ҳавзасида қор кўчки хавфи мавжуд бўлган Дуқантсой, Қизилчасой, Новгарзонсой ва Қамчиқсой ҳавзалари учун ҳам яратилди.

Маълумки, Фарғона водийси вилоятларини республикамизнинг пойтахти Тошкент шаҳри ва бошқа вилоятлар билан боғлайдиган Тошкент-Оҳангарон-Ангрен-Қўқон-Шаҳрихон-Андижон автойўли ва Ангрен-Поп темир йўли Оҳангарон дарёси ҳавзаси орқали ўтади. Ҳавзада содир бўладиган қор кўчкилари ушбу йўллардан фойдаланишга салбий таъсир кўрсатади. Шу мақсадда, диссертация ишида Қамчиқсой ва Куиндисой ҳавзалари учун қор кўчки хавфи баҳоланди. Қамчиқсой ҳавзаси учун яратилган карталарга кўра, ҳавзанинг энг юқори нуқтаси 2623 м, ўртача баландлиги 2100 метр, қуйи нуқтаси 1262 м ни ташкил этади. Қамчиқсой ҳавзасида қор кўчки ўчоқлари

жойлашган турли баландликлар аниқланди. Таҳлилларга кўра, ҳавзада қор кўчкилари 1900 м дан 2300 м гача баландликларда кўп содир бўлади (7-расм).



7-расм. Қамчиқсой ҳавзаси қор кўчки ўчоқларининг геоморфологик карталарда жойлашуви:

а) баландлик, б) қиялик, в) экспозиция, г) изочизик


Шунингдек, диссертация ишида хавfli қор кўчки ҳудудларида ҳимоя иншоотларининг самарадорлиги Тошкент-Оҳангарон-Ангрен-Қўқон-Шаҳрихон-Андижон автойўлининг Қамчиқ довонидан ўтган қисми учун қор кўчишига қарши ҳимоя иншоотларини қуришдан аввалги (1979-2001 йй.) ва кейинги (2001-2021 йй.) даврлар учун баҳоланди. Бунда қор кўчки хавфи сабабли автойўлнинг ёпилиш кунлари аниқланиб, солиштирилди. Натижада, тадқиқ этилган даврда йўлнинг ёпилиши кунлари 83 % га (239 кун 52 минутдан 40 кун 67 минутгача) қисқарганлиги, қор кўчкидан ҳимоя қилиш иншоотларининг самарадорлиги 5,2 мартага ортгани аниқланди.

Оҳангарон дарёси ҳавзаси учун кунлик қор қоплами маълумотларини олишда масофадан зондлаш усули асосида ишловчи MODSNOW дастуридан фойдаланилди. Ушбу дастур маълумотлари таҳлилларига кўра, 2010 йилдан 2020 йилгача март ойи ҳолатига қор қоплами майдони камайганлигини, 2020-2024 йилларда эса қор билан қопланган майдоннинг баъзи йилларда ортганлиги ёки кескин қисқарганлиги аниқланди.

Қор кўчки мониторингида қор қоплами маълумотларининг ўзи етарли эмаслиги ҳамда кўчки ўчоқлари яқинида қор қалинлигини кузатиш учун метеорология станциялари мавжуд эмаслигини ҳисобга олган ҳолда, қор

қоплами қалинлигини аниқлаш учун MODSNOW дастурининг кунлик даража коэффициентини (Degree day factor) асосида ҳаво ҳарорати ва ёғин миқдори маълумотлари асосида ишлайдиган модулидан фойдаланилди.

MODSNOW дастурини Оҳангарон дарёси ҳавзасига мослаш учун ҳудуддаги Қамчиқ ва Дукант станциялари маълумотларидан фойдаланилди. Модель натижаларининг аниқлиги NSE (Nash–Sutcliffe efficiency) мезонига кўра Қамчиқ учун $NSE=0,83$ “жуда яхши”, Дукант учун $NSE=0,86$ “жуда яхши” ларни кўрсатди (8-расм).




8–расм. Метостанцияда ўлчанган ва математик модел ёрдамида аниқланган қор қоплами қалинликларини таққослаш:

а) Дукант метеостанцияси, б) Қамчиқ қор кўчки станцияси

MODSNOW дастури билан станция маълумотларини таққослаш натижалари асосида Оҳангарон дарёси ҳавзаси чегараси бўйича ҳар бир пиксели 500м x 500м ўлчамли қор қоплами қалинлиги карталари тайёрланди (9-расм). Ушбу карталар кунлик қор қоплами маълумотларини олиш имкониятини беради. MODSNOW дастурининг учинчи модули ҳаво ҳарорати ва ёғин миқдори маълумоти асосида ишлаганлиги боис, ҳаво ҳарорати ва ёғин миқдорининг прогноз қийматини киритиш асосида қор қоплами қалинлигини ҳам прогнозлаш мумкин бўлди. Бу эса қор кўчкини олдиндан аниқлаш имкониятини оширди.

Оҳангарон дарёси ҳавзасида қор қоплами қалинлигининг кўп йиллик ўзгариш динамикаси MODSNOW дастури маълумоти асосида 31 март ҳолатига баҳоланди. Қор қоплами қалинлиги асосан ҳавзанинг шимолий ва ғарбий қисмларида юқори қийматларни, жанубий ва шарқий ҳудудларида нисбатан паст қийматларни кўрсатди. Таҳлилларга кўра, 2001-2010 йилларда, 2008 йилдан ташқари, сезиларли ўзгаришлар кузатилмаган ва қор қалинлиги нисбатан паст (100-400 мм) бўлган. Фақатгина 2008 йилда қор қалинлиги сезиларли пасайган. 2011-2015 йилларда ҳавзада қор қоплами қалинлигини ортиши тенденцияси кузатилган, айниқса, 2012 ва 2014 йилларда қор қалинлиги 500-800 мм гача кўтарилган. 2016-2020 йилларда яна пасайиш тенденциясига ўтган, бироқ 2017 йилда сезиларли фарқ билан юқорилаган. 2021-2024 йилларда эса қор қоплами қалинлигининг ортиши тенденцияси кузатилган.



9-расм. Оҳангарон дарёси ҳавзасида қор қоплами қалинлиги динамикаси (2001-2024 йй.)

Оҳангарон дарёси ҳавзасида кузатилган қор қоплами ва иқлимий маълумотлар асосида қор кўчкисини прогнозлаш амалга оширилди. Прогнозлаш Қамчиқсой ҳавзасидаги 12-сон қор кўчки ўчоғи учун текширилди. Ушбу усул қор кўчкиси содир бўлишини бир кун олдин прогнозлаш имконини беради. Қор кўчки прогнози аниқлиги текширилганда, NSE мезони бўйича моделнинг аниқлиги 1992-2006 йиллар (calibration) учун 72% (яхши), 2007-2020 йиллар (validation) учун 60% (қониқарли) ни ташкил этди.

ХУЛОСА

1. Ўзбекистонда қор кўчкилари бўйича илмий тадқиқотлар асосан XX асрнинг иккинчи ярмидан бошланган. Мустақилликдан сўнг 1997, 1998, 1999 ва 2004 йилларда Қамчиқ довоида содир бўлган ҳалокатли қор кўчкилари туфайли, республика миқёсида қор кўчки мониторинги, прогнози, олдини олиш ва оқибатларини камайтириш борасида тизимли ёндашувлар шакллانган.

2. Оҳангарон дарёси ҳавзасидаги ҳарорат режимида кузатилаётган ўзгаришлар глобал иқлим ўзгариши таъсирининг маҳаллий кўриниши ҳисобланади. Ангрэн, Дукант метеорология станциялари ва Қамчиқ қор кўчки станциясида кўп йиллик (1991-2020 йй.) кузатувлар таҳлили асосида ўртача йиллик ҳаво ҳарорати йилига ўртача Ангрэнда $0,036^{\circ}\text{C}$, Дукантда $0,025^{\circ}\text{C}$, Қамчиқда $0,031^{\circ}\text{C}$ га ортгани аниқланган. Бу ҳолат Оҳангарон дарёси ҳавзасида иқлим илиши жараёни фаол кечаётганидан далолат беради.

3. Оҳангарон дарёси ҳавзасида 1991-2020 йиллар давомида йиллик ўртача ёғин миқдорининг камайиш тенденцияси йилига Ангрэнда 1,7 мм, Дукантда 1,6 мм, Қамчиқда 1,7 мм га етганлиги аниқланган.

4. Қор кўчкилар сонининг тоғ ёнбағрининг ўртача қиялигига боғлиқлиги таҳлиliga кўра, Қамчиқсой ҳавзасида қор кўчкиларнинг асосий қисми (65 %) 25° - 35° қияликлар оралиғида содир бўлади ($R=0,88$), 35° - 45° қияликларда 30%, 15° - 25° қияликларда 5 % қор кўчкилари содир бўлади. Тадқиқот ҳудудида қор кўчкиларидан ҳимоя қилишда асосий эътиборни 25° - 35° қияликлар оралиғига қаратиш тавсия этилади.

5. Тадқиқ этилган ҳудудда 1991-2021 йилларда, Қамчиқ қор кўчки станцияси маълумотлари таҳлиliga кўра, қор кўчки мавсумининг энг эрта бошланиши 21 ноябрга (1999 й.), энг кеч бошланиши 2 февралга (1993 й.), қор кўчки мавсумининг энг эрта тугаши 26 декабрга (2015 й.), энг кечи эса 9 апрелга (2007 й.) тўғри келган. Қор кўчки мавсумининг энг узун давомийлиги 120 кунни (2018-2019 йил қиш мавсуми), энг қисқа давомийлиги 1 кунни (2017-2018 йил қиш мавсуми) ташкил этган.

6. Оҳангарон дарёси ҳавзасида қор кўчки кўрсаткичлари ва иқлимий кўрсаткичлар орасидаги боғлиқликлар статистик таҳлил қилинган. Қамчиқ метеостанциясида 1991-2021 йилларда қор қоламнининг максимал баландлиги (h, м) билан январь ойида кузатилган ўртача ҳаво ҳарорати (T_1) ва ноябрдан мартгача кузатилган ёғин миқдори орасидаги статистик боғлиқлик юқори ($R=0,69$) эканлиги аниқланган. Қор кўчки сони билан T_1 ва h орасидаги боғлиқлик янада юқори ($R=0,73$) бўлган.

7. Диссертация ишида Оҳангарон дарёси ҳавзасида қор кўчки хавфи мавжуд ҳудудлар ва қор кўчки ўчоқларининг геоморфологик (баландлик, қиялик, изочизиқ, экспозиция) ГАТ карталари яратилган. Яратилган карталар асосида Тошкент-Оҳангарон-Ангрэн-Кўкон-Шаҳрихон-Андижон автойўли ва Ангрэн-Поп темир йўли ўтадиган Қамчиқсой ва Куиндисой ҳавзалари учун қор кўчки ўчоқлари жойлашган турли баландликлар аниқланган. Таҳлилларга

кўра, Қамчиксой ҳавзасида қор кўчкилари 1900 м дан 2300 м гача баландликларда кўп содир бўлади. Ҳавзанинг экспозиция картасининг таҳлилига кўра қор кўчкилар асосан шимоли-шарқ ва жануб, жануби-ғарбга қараган томонларида кўпроқ кузатилган.

8. Тошкент – Оҳангарон – Ангрэн – Қўқон – Шаҳрихон – Андижон автомобил йўлининг Қамчиқ довонидан ўтган қисмида қор кўчкисидан ҳимоя иншоотларини қурилиши натижасида охириги йигирма йилликда йўлни қор кўчкидан ҳимоя қилиш самарадорлиги 5,2 мартага ортганлигини кўрсатган.

9. Оҳангарон дарёси ҳавзасида қор қоплами қалинлигининг кўп йиллик ўзгариш динамикаси MODSNOW дастури маълумоти асосида 2001-2024 йиллар учун 31 март ҳолатига баҳоланди. Қор қоплами қалинлиги асосан ҳавзанинг шимолий ва ғарбий қисмларида юқори қийматларни, жанубий ва шарқий ҳудудларида нисбатан паст қийматларни кўрсатди. Қор қоплами майдони 2008 йилда энг кичик (53,9 %), 2012 йилда энг катта (93,8 %) бўлган.

10. Ишлаб чиқилган қор кўчкини прогнозлаш усулининг ўртача аниқлик даражаси 77% ни ташкил этган. NSE мезони бўйича текширилганда калибрация (1992-2006 йй.) натижалари NSE=72 (яхши)ни, валидация (2007-2020 йй.) натижалари эса NSE=60% (қониқарли)ни ташкил этганлиги аниқланган.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ
DSc.27/30.12.2019.G.47.01 ПРИ НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКОМ
ГИДРОМЕТЕОРОЛОГИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ**

**НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИЙ ГИДРОМЕТЕОРОЛОГИЧЕСКИЙ
ИНСТИТУТ**

МАХМУДОВ ЖАХОНГИР КОМИЛОВИЧ

**ИСПОЛЬЗОВАНИЕ ГЕОИНФОРМАЦИОННЫХ СИСТЕМ ПРИ
МОНИТОРИНГЕ СНЕГОЛАВИННОЙ ОПАСНОСТИ
(НА ПРИМЕРЕ БАССЕЙНА РЕКИ АХАНГАРАН)**

11.00.03 – Гидрология суши. Водные ресурсы. Гидрохимия

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ГЕОГРАФИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент - 2025

Тема диссертации доктора философии (PhD) по географическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Министерстве высшего образования, науки и инноваций Республики Узбекистан за номером B2022.1.PhD/Gr184.

Диссертация выполнена в Научно-исследовательском гидрометеорологическом институте. Автореферат на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-сайте Научного совета (www.nigmi.uz) и на Информационно-образовательном портале «Ziyonet» (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель:

Нишонов Бахриддин Эркинович
кандидат технических наук,
старший научный сотрудник

Официальные оппоненты:

Хикматов Фазлиддин Хикматович
доктор географических наук, профессор

Салимова Барно Жамаловна
кандидат технических наук, профессор

Ведущая организация:

Самаркандкий государственный университет

Защита диссертации состоится « 21 » ноября 2025 г. в 14.00 часов на заседании Научного совета по присуждению учёных степеней DSc.27/30.12.2019.G.47.01 при Научно-исследовательском гидрометеорологическом институте (Адрес:100052, г.Ташкент, ул.1-й проезд Бодомзор йули, 72. Тел: +998 71 2358512, факс: +998 71 2371319, e-mail: info@nigmi.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Научно-технической библиотеке Научно-исследовательского гидрометеорологического института (зарегистрирован за №233) (Адрес: 100052, г. Ташкент, ул. 1-й проезд Бодомзор йули, 72. Тел: +998 71 2358512, факс: +998 71 2371319).

Автореферат диссертации разослан « 8 » ноября 2025 г.
(Реестр протокола рассылки № ___ от « ___ » _____ 2025 г.).




Б.М.Холматжанов
Председатель Научного совета по
присуждению учёных степеней, д.г.н.


Э.Ю.Сафаров
Врио Учёного секретаря Научного совета по
присуждению учёных степеней, д.т.н.


Д.М.Тургунов
Председатель научного семинара при Научном
совете по присуждению учёных степеней, д.г.н.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Под влиянием глобального изменения климата на склонах высоких гор по всему миру с каждым годом увеличивается количество сходов снежных лавин - одного из основных природных бедствий. В этой связи в докладе ООН по снижению риска стихийных бедствий подчеркивается необходимость «улучшения прогнозирования рисков стихийных бедствий и создания единой платформы раннего оповещения о гидрометеорологических опасностях для стран-членов»¹. Эта ситуация требует усовершенствования методов мониторинга и прогнозирования снежных лавин в горных районах.

В мире проводятся исследования в данном направлении, в частности, по анализу площади, толщины и продолжительности залегания снежного покрова на склонах гор, созданию геоморфологических карт лавиноопасных территорий, изучению условий формирования снежных лавин и их прогнозированию. В связи с этим, особое внимание уделяется использованию современных ГИС-технологий для выявления очагов лавинообразования в горных регионах в результате изменения климата, и на этой основе осуществлению мониторинга снежных лавин и прогнозирования рисков, связанных с ними.

В нашей республике осуществляются комплексы мер, направленных на снижение риска схода снежных лавин на транспортных магистралях и в населенных пунктах горных регионов и достигнуты определенные положительные результаты. В Стратегии «Узбекистан-2030», утвержденной Указом Президента Республики Узбекистан № УП-158 от 11 сентября 2023 года, поставлены важные задачи по «предотвращению негативного воздействия изменения климата, раннему предупреждению опасных гидрометеорологических явлений»². В этой связи, оценка рисков снежных лавин для стратегически важной автодороги Ташкент-Ангрен-Коканд-Шахрихан-Андижан и участка железной дороги Ангрен-Пап, проходящей через перевал Камчик, а также выявление очагов снежных лавин и создание их цифровых (ГИС) карт имеют важное научное и практическое значение.

Диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указе Президента Республики Узбекистан № УП-158 от 11 сентября 2023 года «О стратегии «Узбекистан-2030»», в Постановлениях Президента Республики Узбекистан №ПП-4896 от 17 ноября 2020 года «О мерах по дальнейшему совершенствованию деятельности гидрометеорологической службы Республики Узбекистан», №ПП-426 от 18 ноября 2022 года «О мерах по защите населения и территорий от чрезвычайных ситуаций, связанных с опасными гидрометеорологическими

¹ The global 'Early Warnings for All' program <https://www.un.org/en/climatechange/early-warnings-for-all>

² Указ Президента Республики Узбекистан № УП-158 от 11 сентября 2023 года «О стратегии «Узбекистан-2030»». [https:// www.lex.uz](https://www.lex.uz).

явлениями и геологическими процессами» и другими нормативно-правовыми документами, принятыми в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Диссертационная работа выполнена в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологии республики: V. “Сельское хозяйство, биотехнология, экология и охрана окружающей среды”.

Степень изученности проблемы. Исследования, направленные на заблаговременной оценке рисков, связанных с снежными лавинами, определению морфометрических характеристик снежных лавин и сопоставлению их многолетних режимов проводились зарубежными учеными, такими как J.Schweizer, B.Jamieson, P.Bartelt, D.Germain, Y.Buhler, M.Fazzini, F.Techel, J.Benjamin, Ch.Bahram и другими.

В странах бывшего Союза и СНГ исследования Г.К.Тушинского, Ю.Д.Москалева, К.С.Лосева, Е.С.Трошкиной, С.М.Мягкова и других посвящены географии снежных лавин, механизмам их возникновения, снеголавинному режиму и изменению их морфометрических показателей под воздействием метеорологических факторов, а также вопросам заблаговременной оценки негативных последствий этих явлений.

В Узбекистане исследования по снежным лавинам проводились учёными, как Л.А.Канаев, Г.Н.Старыгин, Е.Г.Какурина, Ф.И.Перцигер, Б.К. Царев. В этих работах изучены степень снеголавинной опасности территории Средней Азии, в частности нашей республики, а также освещены причины их возникновения. В настоящее время исследованиями снежных лавин в горных районах Узбекистана с использованием современных радиолокационных космических снимков занимаются Э.Р.Семакова и В.Н.Шамсутдинов.

Данная диссертационное исследование отличается от предыдущих исследований тем, что посвящена применению геоинформационных систем для территорий, подверженных сходу снежных лавин в бассейне реки Ахангаран, разработке карт морфометрических показателей снеголавинных очагов, а также прогнозированию объёмов снежных лавин на основе гидрометеорологических переменных.

